



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.
e-mail: axborot@xasr@yahoo.com
web sayt: www.21asr.uz

2013 йил 31 январь, пайшанба, 04 (480)-сон

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA




ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ БИЛИШ — ДАВР ТАЛАБИ

3 Қарор ва ижро



ҚОГОЗДАГИ ЭМАС, АМАЛДАГИСИ ҲИСОБ

5 Худудларда



ФЛОРЕНЦИЯ САМАРҚАНДНИНГ ДЎСТИГА АЙЛАНДИ

8 Ҳамкорлик

«Аёллар қаноти»

БУХОРОДА ТАДБИРКОРЛАРГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛМОҚДА?

Бухорода аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этиш ҳамда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масалаларига O'zLiDeP «Аёллар қаноти» ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бу борада Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди. Таъкидлаш жоизки, хотин-қизлар ўртасида тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, уларни сиёсий жараёнларга кенг жалб қилиш, бандлик муаммоларини бартараф этишга яқиндан қўмақлашиш O'zLiDeP фаолиятида муҳим ўрин тутаяди.

4 >>>

«Ёшлар қаноти»



КИЧИК БИЗНЕС БИЛАН КАТТА ҲАЁТГА ҚАДАМ ҚЎЯЁТГАНЛАР

O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Дилшод Тўракуловнинг таъкидлашича, 2012 йили «Ёшлар қаноти»нинг «Ишбилармон ўқувчи» ҳамда «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаларида иштирок этган ёшлар имтиёзли кредитлар эвазига ўз бизнесини йўлга қўйишга муваффақ бўлдилар. Энг муҳими, ишбилармонликка қўл урган навқирон авлод вакилларининг аксарияти қисқа вақт мобайнида олинган кредитларни қайтаришга ҳам эришдилар.

4 >>>

БУГУНГИ СОНДА:

Тожикистонда Роғун ГЭСи ва Қирғизистонда Қамбарота ГЭСлар тармоғини қуриш лойиҳаларини илгари сураётган, трансчегаравий дарёларнинг юқори қисмида жойлашган қўшни давлатлар раҳбарларини бу нарса безовта қилмаяпти.



Партиявий лойиҳалар мақсадга элтувчи асосий восита

«ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ»ДА О'ZLIDERНИНГ «ЁШЛАР ҚАНОТИ» ОЛДИДА ТУРГАН ЭНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Маълумки, Юртбошимиз истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир, кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига боғлиқ», дея таъкидлаган эдилар.

Бугунга келиб янги авлод вакилларининг гайрат-шижоати, яратувчилик ва бунёдкорлик салоҳиятини кўриб, келажагимиз ишончли қўлларда эканига амин бўлишимиз мумкин. Мустақиллик туфайли улар фикри ва дунёқараши тубдан ўзгарди. Эндиликда янги авлод вакиллари ҳаётга ян-

гича назар билан қараб, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ислохотлар жараёнида фаол иштирок этмоқдалар.

Бу борада O'zLiDePнинг «Ёшлар қаноти» ҳам барча имкониятлардан фойдаланаяпти. Агар бу тузилманинг 2012 йилги фаолиятига назар ташласак, кадрлар малакасини ошириш, гоёвий-сиёсий ишларни кучайтириш борасида бир қатор натижаларга эришилганига гувоҳ бўламиз. Ҳамкор ташкилотлар билан амалга оширилган лойиҳалар эса ёшларнинг салоҳияти, иқтисод ва тадбиркорликка оид билимларини оширишга хизмат қилгани мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

3 >>>



Сониқ ЭОИР олган сурат

Зиммамиздаги вазифалар кўлами

О'ZLIDER ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партия фракциясининг кўшма мажлисида Президентимиз Ислам Каримовнинг «Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» номили маърузасидан келиб чиқадиган партиявий вазифалар муҳокама қилиниб, O'zLiDePнинг 2013 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастурига ўзгартишлар киритилди

2 >>>

O'zLiDeP фракциясида

СОДИҚЖОН ТУРДИЕВ:

«Либерал-демократлар билан ҳамкорлик янада кучайтирилади»

АГРАР СОҲА ВАКИЛЛАРИНИНГ ТАЪКИДЛАШЛАРИЧА, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ 2012 ЙИЛ 22 ОКТЯБРДАГИ «ЎЗБЕКИСТОНДА ФЕРМЕРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ МАМЛАКАТ ФЕРМЕРЛАРИ МАВҚЕИНИ ЯНАДА ОШИРИШ, СОҲАДАГИ ИСЛОХОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЖАРАЁНИДАГИ ЭНГ МУҲИМ ҲУЖЖАТЛАРДАН БИРИ БЎЛДИ

Хўш, фармон кучга кирганидан буён янги тузилма томонидан жойларда қандай ишлар амалга оширилди? Бугун Фермерлар кенгаши олдида турган энг муҳим вазифалар нималардан иборат? Мухбиримиз ана шу мазмундаги саволлар билан Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси С.Турдиевга муурожаат қилди.

— Энг аввало, ўтган йилнинг 14 ноябрда марказда, 19–21 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда, 26–30 ноябрь кунлари эса туман Фермерлар кенгашининг таъсис конференциялари бўлиб ўтганини айтиш зарур, — дейди С.Турдиев. — Айни пайтатча жами 13 та, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожланган туманларда эса 156 та худудий кенгашлар ташкил этилди. Тузилманинг асосий таркибий қисми бўлган кенгашларга жами 1905 нафар етакчи фермер сайланиб, уларнинг 23 нафари Республика кенгаши, 251 нафари худудий ва 1631 нафари туман кенгашларида фаолият бошладилар. Уларга соҳа билимдонлари, фермерларнинг ҳаётий муаммоларидан хабардор кишиларнинг раҳбар этиб сайлангани соҳада бошқарув тизимини янада мукамаллаштиришга хизмат қилади, албатта.

4 >>>

Муносабат

Депутатлар масъулиятни теран англамоқдалар

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ «БОШ МАҚСАДИМИЗ — КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОХОТЛАР ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШ» НОМИЛИ МАЪРУЗАСИНИ ФРАКЦИЯМИЗ АЪЗОЛАРИ ҲАМ АТРОФЛИЧА ЎРГАНИБ, ТЕГИШЛИ ХУЛОСА ЧИҚАРДИЛАР



Собир ЖАББОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзосу

Зеро, 2012 йилда иқтисодий-саноатий жаббалик капитал маблағ ва сармоялар миқдори сезиларли равишда ўсиб, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизациялашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилгани таъсирга лойиқ.

Мамнуният билан айтиш жоизки, мамлакатимизда қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш, демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштириш, саноатни мутаносиб равишда ривожлантириш ва инвесторларни жалб этишга қаратилган мустақам қонунчилик базаси яратилганига маърузада алоҳида эътибор қаратилди.

Яқинда O'zLiDeP фракцияси ташаббуси билан «2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Давлат дастурининг ижроси юзасидан Бош вазир ўринбосари Гуломжон Ибрагимовнинг ахбороти, демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштириш, саноатни мутаносиб равишда

2 >>>

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 29 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан қўйиладиган қийматини белгилайди.*

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбуриятларини ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

1 Австралиа доллари	▼ 2083,37
1 Англия фунт стерлинги	▼ 3148,74
1 Дания кронаси	▲ 360,43
1 БАА дирҳами	▲ 544,25

1 АҚШ доллари	▲ 1998,82
1 Миср фунти	▼ 300,57
1 Исландия кронаси	▲ 15,57
1 Канада доллари	▼ 1982,96

1 Ҳитой юани	▲ 321,20
1 Малайзия рингити	▼ 656,86
1 Поляна злотийси	▲ 645,45
1 СДР	▲ 3070,49

1 Туркия лираси	▼ 1131,31
1 Швейцария франки	▲ 2153,90
1 ЕВРО	▲ 2668,71
10 Жанубий Корея вони	▲ 18,46

10 Япония иенаси	▼ 219,70
1 Россия рубли	▲ 66,53
1 Украина гривнаси	▲ 250,07

Зиммамиздаги вазифалар кўлами

О'ZLIDER ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

ОзоД РАЖАБОВ,
«XXI ASR»

Мажлисида Юртбошимиз маърузасида белгилаб берилган долзарб вазифалар ҳамда устувор йўналишлар партия фаолияти учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши лозимлиги алоҳида таъкидланди. Унда О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси М.Тешабоев сўзга чиқиб, маърузада ўтган йилга мўлжалланган давлат дастури доирасида ҳаётимизда рўй берган улкан ўзгаришлар, жаҳон миқёсида сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, мамлакат иқтисодиёти жадал ривожлантирилиб, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтириш таъминлангани, Ўзбекистон дунё бозоридagi мавқеини янада мустаҳкамлагани аниқ рақамлар ва далиллар асосида яққол кўрсатиб берилганини айтди. О'zLiDeP бу ютуқларни изчил ислохотларнинг амалдаги самараси сифатида эътироф этади.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган олтинга устувор йўналишнинг ҳар бири, хусусан, иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш ва мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш, унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг ҳаёт даражаси муттасил ошиб бориши билан боғлиқ вазифаларнинг барчаси зиммамизга жуда катта масъулият юқлайди.

Кўшма йиғилишда Юртбошимиз маърузасида бебаҳо бойлигимиз бўлмиш ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмаслиги таъкидланди. Маълумки, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш, шунингдек, сув ҳўжалиги ва мелiorация объектларини реконструкция қилиш, тежамкор технологияларни жорий этишга давлат бюджетидан салмоқли маблағ ажратилмоқда. Шунинг учун ҳам О'zLiDeP ҳузуридagi Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази ҳамкор ташкилотлар билан шўрланган ерларнинг структурасини яхшилаш мақсадида, аввалданбор, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сирдарё ва фарғоналик фермерларнинг масъулият тўғрисида янада кучайтиришга қаратилган амалий тадбирларни ташкил этиш лозимлиги тилга олинди. Бунда экспертларни жалб этган ҳолда тадқиқот ишларини олиб бориш, ерларнинг унумдорлигини ошириш, шўрланишга қарши курашиш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш режалаштирилди.

О'zLiDeP ҳузуридagi Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш марказини ривожлантириш, хусусан, ҳуқуқий-иқтисодий, молиявий-агротехник ва бошқа масалалар билан шугулланадиган консалтинглар тармоғини, маъсулёт ишлаб чиқариш, сотиш ва қайта ишлаш бўйича фермер ҳўжаликлари кооперациясининг турли шакллари яратишга кўмаклаштишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш лозим. Шунингдек, 2013 йилда ўтказилиши режалаштирилган «Тадбиркорлар мулоқот форуми» доирасида ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, ортқича расмиятчилик ва буйруқбозлик иллатларини бартараф этиш бўйича янгича ёндашувларни жорий этиш ҳам партия фаоллари зиммасидаги вазифалардандир.

Маълумки, ўтган йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган Сийёсий Кенгаш йиғилишида О'zLiDePнинг 2013 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастури тасдиқланган эди. Мажлисида «Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» номли маърузада белгилаб берилган устувор йўналишлар унга ўзгартишлар киритишни тақозо этаётгани алоҳида қайд этилди. Шу муносабат билан О'zLiDePнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Бахтиёр Якубов, О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосарлари Муҳитас Акрамова ва Қиёмиддин Назаров, Тошкент вилоятидаги «Истиқлол Шукурова Гўзал» фермер ҳўжалиги раҳбари Гўзал Шукурова сўзга чиқиб, муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Тад-



Сулмонбой ЖўРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Президентимиз маърузасида 2012 йилда мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиши таҳлил этилиб, бунинг бош омилли сифатида иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар ва инвестициялар ҳажми тобора кўпайиб бораётганига эътибор қаратилади. Агар рақамларга мурожаат қилсак, ўтган йили иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорда ички ва хорижий инвестициялар жалб этилиб, бу борадаги курсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга устун. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортқисини эса хорижий инвестициялар ташкил этганини кўриш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, чет эллик сармоядорларнинг Ўзбекистонга бўлган юксак ишончи белгисидир. Демак, партияимиз ижроия ҳўқимият билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйган ҳолда, инвестицион дастурларнинг сифатли бажарилиши юзасидан жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириш ва депутатлик сўровларига янгича ёндашувларни жорий этиш лозим бўлади. Ушбу дастурлар ижроси бўйича фракция ва жойлардаги депутатлик гуруҳларимиз томонидан махсус эшитувлар ташкил этиш, бу жараёнга бошланғич партия ташкилотларини ҳам кенг жалб этиш борасида мавжуд имкониятларни аниқлаш ҳамда хулосаларни Ижроия кўмитасига тақдим этиб бориш мақсадаги мувофиқлар.



Баҳрийдан БЕКЖАНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Бугунги муҳокамада «Ирриқ саноат корхоналарининг кичик бизнес билан манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида кооперация алоқаларини янада ривожлантириш» лойиҳасини ишлаб чиқиш тақлифи илгари сурилгани айни муаао бўлди. Бунаа асосий эътиборни республикамизнинг барча хуауаларига кўп тармоқли технопаркларни ташкил этишда О'zLiDePнинг ҳуаудий тузилмалари бевосита қатнашишига қаратиш лозим, деб ҳўсоблайман. Зеро, Президентимиз маърузасида мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам Навоий ва Ангренадаги каби махсус индустриал зоналари, замонавий логистика тизимлари ва транспорт инфратузилмаларини яратиш бўйича бошланган ишаримизни изчил давом эттириш зарурлиги бежиз таъкидланмади. Энг муҳими, бу борада бизда етарли тажриба бор. Масалан, 2012 йилда Андижон вилоятида автосаноат соҳасида, Жиззах вилоятида эса туризм соҳасида кластерларни ривожлантириш масаласидаги тадбирларимиз ўз натижаларини бера бошлади. Демак, махсус индустриал зоналар, технопарклар, замонавий логистика тизимлари ва кластерлар тўғрисида электротар вакиллари орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришимиз, бундай янгиликлар билан қизиқайтган тадбиркорларга консалтинг хизмати, кредит ва грант маблағлари оlishда амалий ёрдам кўрсатиш депутатларимизнинг ҳам, партия фаолларининг ҳам долзарб вазифалари сирасига кирди. Ҳозир ҳам шундай ҳаракатлар йўқ эмас. Лекин бунинг мувофиқлаштириш ва натижаларини таҳлил қилишда айрим камчиликларимиз бор. Фикримча, Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази бу вазифани ўз зиммасига олиши керак.

«Ирриқ саноат корхоналарининг кичик бизнес билан манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида кооперация алоқаларини янада ривожлантириш» лойиҳаси хусусида сўз юритганда, бошланғич ташкилотларни эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак. Бундан айнан кўйиб бўлган бирлашган сафдошларимиз ўша корхонанинг мавжуд имкониятлари ва салоҳияти ҳақида етарлича таъаввурга эга. Улар томонидан билдирилган тақлифлар амалиёт билан боғлиқлиги унинг қадр-қимматини янада оширади ва ҳаётга татбиқ этиш механизмининг яратилишига қўлағайлик тўғрисида.

Хулоса ўрнида таъкидлашни истардимки, одамизга қўйилган вазифаларни бажаришга киришар эканмиз, «бу Ижроқўмнинг иши, униси БПТларга оид, шу лойиҳани «Ешлар» ёки «Аёллар» қанотли амалга оширсин» тарзида муносабатла бўлмас, жуда катта хатога йўл қўйган бўламиз. Чунки Президентимиз маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишларнинг самарасини таъминлашга барчамиз бирдек масъулимиз.

бирда, шунингдек, фаол инвестиция сисъатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, тармоқлар ҳамда худудларни чамбарчас ҳолда ривожлантириш бўйича партия фаолиятини янада кучайтириш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, янги ихтироларни амалиётга жорий этишга оид қонунчиликни тақомиллаштириш, 2013 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастурининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, бунда О'zLiDeP Матбуот хизмати фаолияти-

ни янада тақомиллаштириш, партия наشري имкониятларидан кенг фойдаланиш юзасидан ҳам тақлифлар билдирилди ва улар асосида О'zLiDePнинг 2013 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастурига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Анжуман

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА БАҒИШЛАНДИ

Андижон шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолият юритиши учун қўлай шарт-шароит яратиш, ишлаб чиқариш салоҳиятини янада юксалтиришга амалий ёрдам кўрсатишга бағишланган анжуман ўтказилди. Андижон шаҳар ҳўқимлиги, прокуратураси ҳамда давлат солиқ инспекцияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ҳалқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлари, мутасадди ташкилотлар ва ҳуқуқчи муҳофаза қилиш органлари вакиллари, солиқ, банк соҳаси мутахассислари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари иштирок этили.

Анжуманда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа вакиллари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун кенг имкониятлар яратиш берилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди. Бу борада шаҳар ҳўқимлигида интерактив хизматлар тизими йўлга қўйилганилиги, «ягона ойна» тамойили асосида хизмат кўрсатувчи Бизнесга кўмаклашиш маркази томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш истистага бўлган фуқароларга янги корхоналар ташкил этиш, уларни давлат рўйхатидадан ўтказиш, ер-кадастр ҳўжжатларини тайёрлаш, хориждан замонавий технологиялар келтириш, банк кредитларини олиш учун амалий ёрдам ва зарур маълумот, маслаҳат, тавсиялар бериб келинаётганилиги таъкидланди.

— Шаҳар аҳолиси эҳтиёжи учун зарур бўлган бир қатор истеъмол молларини ўзимизда ишлаб чиқариш, қўллаб янги иш ўринлари яратиш учун кенг имкониятлар бор, - дейди Андижон шаҳридаги «MEGA INTER ELEGANT» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси бош директори ўринбосари Улугбек Кўчқоров. - Тадбирда мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакилларига батафсил маълумотлар берилди.

Ф.УБАЙДУЛАЕВ, ЎЗА мухбири

Депутатлар масъулиятни теран англамоқдалар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀


Депутатларимиз парламент эшитувига тайёргарлик кўриш даврида ушбу муҳим ҳўжжат ижроси билан бевосита жойларда танишдилар. Жумладан, Сурғил кони базасида Устюрт газ-кимё комплексини қуриш, Шўртангаз-кимё комплексига синтетик сууёқ ёқилги ишлаб чиқариш, Деҳқонobod қалийли ўғитлар заводида ишлаб чиқариш қўвватларини кенгайтириш, Талимаржон, Тошкент ва Навоий ИЭСлардаги ишлар ҳамда бошқа инвестицион лойиҳаларнинг бажарилиши чуқур таҳлил қилинди.

Мазкур Дастур доирасида энергетика соҳасида 4 миллиард 750 миллион долларлик 44 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, 2012 йилда «Ўзбекэнерго» томонидан 11 та лойиҳа тугалланди. Хусусан, Навоий иссиқлик электр станциясида буг-газ қурилмаси ва газ-сиқув компрессори, Сирдарё ва Талимаржон иссиқлик электр станцияларида детандер-генераторларнинг қурилиши нийодисига етказилди. Бу лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида 2,7 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, энергетика тармоғида 1228 та янги иш ўрни яратилди.

Парламент эшитуви якунлари юзасидан қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарорига қўра, мутасадди идораларга қатор тақлиф ва тавсиялар ҳам берилди. Жумладан, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига юқори даражадаги технологияларга эга мамлакатларнинг йирик компанияларини Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этиш, инвестицияларни қайта ишловчи саноат ҳамда иқтисодиётнинг хомашёсиз тармоқлари билан боғлиқ бўлган лойиҳаларига йўналтириш борасидаги ишларни давом эттириш, тендерларни ўз вақтида ва ошқора ўтказиш, лойиҳаларни амалга ошириш муддатларини қисқартириш ва уларни

ўз вақтида молиялаштириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўқимликлари саноат ички кооперациясини кенг ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, иқтисодиётнинг саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида минтақаларда ишчанлик муҳитини янада яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиши кераклиги кўрсатиб ўтилди. Бундан ташқари, палата қарорида табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳаларнинг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳўжжатлари талабларига мослигини таъминлаши зарурлиги ҳам белгиланди.

Хулоса қилиб шунини таъкидлаш жоизки, О'zLiDeP фракцияси аъзолари Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган йиғилишида билдирилган фикр-мулоҳаза ва белгилаб берилган йўналишларнинг туб моҳияти билан чуқур танишиб, истиқболдаги ишларнинг режа-дастурини тайёрлашга киришди. Унда ҳалқ фаровонлигини ошириш, иқтисодиётни изчил ривожлантириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва позициясини янада юксалтириш, минтақамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича қонунчилик базасини изчил тақомиллаштириш ишларига асосий эътибор қаратилган. Маълумки, назорат-таҳлил ишларини куражадаги технологияларга эга мамлакатларнинг йирик компанияларини Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этиш, инвестицияларни қайта ишловчи саноат ҳамда иқтисодиётнинг хомашёсиз тармоқлари билан боғлиқ бўлган лойиҳаларига йўналтириш борасидаги ишларни давом эттириш, тендерларни ўз вақтида ва ошқора ўтказиш, лойиҳаларни амалга ошириш муддатларини қисқартириш ва уларни



Янги тажриба-ўқув қуролири билан таништирилди

Занғиота туманидаги Машиш хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳўнар коллежида ўрта-махсус таълим масканларига радиотехника, уй-жиҳозлари ва маший техникаларни таъмирлаш бўйича ишлаб чиқариш амалиёт устасларини жалб этган ҳолда «Таълим жараёнида интерфаол таълим услубларини жорий этиш, замонавий электр улчов асбоблардан фойдаланишни ўргатиш» мавзусида уч кунлик илмий-амалий семинар-тренинг ўтказилди. Унда Бекобод, Бука, Чиноз, Ўрта Чирчиқ, Паркент, Бўстонлиқ, Занғиота туманларидаги касб-ҳўнар коллежларининг 30 дан ортқик ўқитувчи-мураббийлари иштирок этиди. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими бошқармаси бошлиги Р.Ниматовнинг таъкидлашича, тренинг давомида Жанубий Кореядан келтирилган янги электр-улчов ва радиотехника соҳасига мансуб асбоблардан фойдаланиш бўйича узро тажриба алмашилади. Солижон ЗОИРОВ тайёрлади.

Партиявий лойиҳалар мақсадга элтувчи асосий восита

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Ўз мухбиримиз

Жумладан, «Диплом билан — бизнесга», «Парламентда менинг ўрним» лойиҳалари, «Агар мен депутат бўлсам...», «Мустақиллик туфайли мулкдор бўлдим», «Ёшлар ва қонунчилик», «Сенинг тенгдошинг», «Ёш олимлар ва тадқиқотчилар» танловлари интеллектуал салоҳияти юқори бўлган йигит-қизларни «кашф» этиши имконини берди.

«Ишбилармон талаба» стипендияси эса талбиркорлик ва ишбилармонлик қўнмақларини маълум даражада ўзлаштирган, аъло ўқишни, намунали ҳулқи, партиявий фаоллиги ва етакчилик қобилияти билан бошқаларга намуна бўлган, замонавий ахборот технологияларни пухта эгаллаган йигит-қизларни маълум маънода рағбатлантиришга хизмат қилгани айтимокда.

Академик линей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўртасида ўтказилган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасини эса 2013 йилда янада такомиллаштириш кўзда тутилмакда.

Чунки 2012 йили ушбу лойиҳада иштирок этган ёшларнинг 8000 га яқини айти пайтада талбиркорлик, фермерлик, касаначилик билан шуғулланиб, ўз келажаклари учун мустақкам замин яратди.

Маълумки, O'zLiDePнинг Сайловда платформасида кадрлар малакасини ошириш, уларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш долзарб вазифалардан бири сифатида белгилаб олинган. Шу ўринда «Ёшлар қаноти» ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ўртасидаги ҳамкорликни мустақкамлашга қаратилган «Парламентда менинг ўрним» лойиҳасининг якуний натижалари 2,5 мингдан ортиқ кадрлар захирасини шакллантириш имконини бергани қайд этилапти.

Сиёсий партиялар ва уларнинг ёшлар билан ишлашга ихтисослашган тузилмалари фаолиятини таҳлил этсак, бугунги тезкор замонда ёшларнинг ахборот-технологияларидан тўла хабардор бўлишлари, замонавий касб-ҳунар сирларини эгаллаш масаларидаги устувор аҳамият берилаётганини кўрамиз. O'zLiDePнинг «Сенинг тенгдошинг» лойиҳаси ҳам айнан истеъдодли ёшларни топиш, уларни қўллаб-қувватлаш, моддий ва



O'ZLiDePning Сайловда Дастуридан

ПАРТИЯНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ — ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ КАСБИЙ, ИЖОДИЙ ВА МАНСАБ ПИЛЛАПОЯЛАРИДАН ЎСИШ УЧУН ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИШДАН ИБОРАТ. ЁШЛАР Салоҳиятини РИВОЖЛАНТИРИШ — БУ КЕЛАЖАККА САРМОЯ КИРИТИШ, ДЕМАКДИР

маънавий рағбатлантириш орқали муайян касбга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. «Ёшлар қаноти» атрофига уюшган бундай иқтидорли йигит-қизлар сони айти кунда 400 нафардан зиёдкорлик ташкил этаётди.

Хуллас, O'zLiDeP «Ёшлар қаноти»нинг 2012 йилги фаолиятини сарҳисоб қилсак, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳалқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашлари, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, маҳалла фаоллари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилган талбирлар, кўрик-танловлар, бизнес лойиҳалар-

нинг барчаси ёшларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни баркамол инсон этиб тарбиялаш, ҳуқуқий-демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, ёшларда кичик бизнес ва хусусий талбиркорлик қўнмақларини шакллантириш, жойларда бандлик муаммоларини ҳал этишга қаратилганига ишонч ҳосил қиламиз. Бу борада Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Андижон, Бухоро, Наманган ва Самарқанд вилояти ёшларнинг сиёсий фаоллигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Жорий йилда эса «Ёшлар қаноти» фаоллари Президентимизнинг «Бош мақсадимиз —

кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» номи маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар ижросини таъминлашда фаол иштирок этишни асосий вазифа, деб ҳисобламоқдалар.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзоси А.Алимовнинг таъкидлашича, жорий йилда амалга оширилиши кўзда тутилган йигирмага яқин партиявий лойиҳалар 10 мингдан ортиқ йигит-қизларнинг ҳуқуқий-иқтисодий, сиёсий ва интеллектуал билимларини ошириш, уларни талбиркорликка жалб этишга қаратилган. Зеро, Президентимиз маърузасида баён этилган фикр-мулоҳаза ва қиёсий таҳлиллар ҳамда белгилаб берилган устувор йўналишлар янги авлод вакиллари ҳаёти ва фаолияти билан ҳамбаркас боғлиқдир. Бу эса «Обод турмуш йили»да ҳам O'zLiDeP «Ёшлар қаноти» зиммасига катта вазифалар юклатилганлигини англатади. Улар ижросини таъминлаш учун эса партия атрофида янада маҳкам-роқ жилслашган ҳолда ҳаракат қилиш лозим бўлади. Зеро, фаоллик, ташаббускорлик ёшларга хос хислат бўлиб, уларда юксак бурч ва масъулият туйғусини уйғотиш янада салмоқли ютуқларга гаров бўлиб хизмат қилади.

Бунёдкорлик

Устюртнинг иккинчи нафаси

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИДА ЮРТБОШИМИЗ «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН УЛКАН ЛОЙИҲАЛАР ҚАТОРИ УСТЮРТ ИСТИҚБОЛИГА ҲАМ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТДИЛАР

Янгибоб ҚўЧҚОРОВ,
«XXI asr»

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимиз кимё санаятининг гигант корхонаси — Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши муносабати билан «Ақшўлоқ» ва «Қирққиз» даҳалари катта қурилиш майдонига айланди. Корхона тўла бунёд этилган, бу ерда йилга жаҳон бозорига ўта харидоригир ҳисобланган 400 минг тонна полиэтилен, 100 минг тонна полипропилен маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Устюртнинг иккинчи нафасини таъминлайдиган ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 4 миллиард 160 миллион АҚШ долларидан иборат бўлиб, ҳудудда бир неча минг киши, биринчи навбатда, ёшларнинг катта қисми иш билан таъминланади. Кўнгирут сода заводининг қад ростлаши билан сарҳода гўзал ва хушбичанг Элобод шаҳарчаси шаклланди бўлса, янги гигант корхона қурилиши билан яна бир замонавий шаҳарчага асос солинади. Шу маънода мазкур мажмуа бутун Оролбўйи истиқболда янги саҳифа очди, десак, мунобага бўлмайди. Халқимизда давлатнинг насибаси кўла-қула

келади, деган гап бор: геологлар айти пайтада бу заминда нефть захираси борлигини ҳам баёнорат қила бошладилар. Демак, истиқлол шарофати билан Устюртнинг жаҳоҳирлар сандиги бирмалар очилмоқда. Масалан, экспертлар «Сурғил» конининг жорий захира қуввати бир неча ўн миллиард кубометрдан ортиқ эканлигини тасдиқлаганлар. «Сурғил» янги кимё мажмуасига эса ҳар йили 3 миллиард кубометрдан кўпроқ табиий газ хом ашёсини етказиб берилади.

Бугун Оролбўйини жадал ривожлантириш муҳим заруратга айлангани, ҳудудда генофонда, иқтисодий ва ижтимоий йўналишларга оид айрим мураккаб муаммолар тўла бартараф этилмагани боис давлатимиз раҳбари томонидан ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Зеро, Президентимиз, мамлакат ҳукумати, Оролни қўқариш халқаро жағфармаси, БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ сингари нуфузли ташкилотлар томонидан ўтган йилларда Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, аҳоли турмушини яхшилаш борасидаги бетақор талбирлар, янги коммуникация тармоқлари, ижтимоий инфратузилмани, кичик бизнес ва хусу-

сий талбиркорликдаги дадил қадамлар, энг муҳими, одамлар тафаккуридаги ўзгаришларни тўла тасаввур этиш учун истиқлолнинг мазмун-моҳиятига мурожаат қилиш керак. Сабрнинг таги сариқ олтин, дейди халқимиз. Шу маънода ҳам Оролбўйида узоқни кўзлаб иш тутилгани бугунга келиб ўз мевасини бермоқда. 2012 йилда ниҳоят Орол денгизи оёқнасига сув етиб борди. Гидрологик жиҳатдан унчалик қўлай бўлмаган минтақада жойлашган Мўйноқ, Кўнгирут, Шўманай, Тахтақўпир, Қораўзақ туманларининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши. Бошқача айтганда, Оролни фақат амалий ишлар билан қўқариш мумкинлиги аллақачон ўз таълигини топди. Денгиз чеккидан жойларда «яшил белбоғлар» бўй тикиляпти. Чорвачилик тобора ривожланиляпти. Иқтисод, кичик бизнес ва хусусий талбиркорлик, таълим ва тиббиётда ибрат кўрсатаётган Ўзбекистонда экология ҳамда табиат муҳофазасида ҳам намуна мактаби яратилди.

— «Мустақкам оила йили» яқунлари ва «Обод турмуш йили»нинг устувор вазифаларига бағишланган йилги мажмуа қўнмақларини юқори босқичларга олиб чиқадиган бошқа йирик лойиҳалар қатори «Кўнгирут сода за-

води»нинг иккинчи навбатини бунёд этиш масаласига ҳам эътибор қаратилади. — дейди «Кўнгирут сода заводи» унитар корхонаси бош директори Р.Якубов. — Бу корхонамизда қўшимча 100 минг тонна кальцийли сода ишлаб чиқариш имкониятини беради. Лойиҳа қиймати 109,9 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, у амалга оширилган, йилга 5,2 миллиард сўмлик қўшимча фойда олиш мумкин бўлади. Шу туфайли Устюртда ўзига хос индустриал макон ҳам вуҷудга келади. Завод қўшида Тошкент Кимё-технология институтининг филиали бор. Унинг биринчи босқичида 54, иккинчи босқичида 59, учинчи босқичида 57 нафар ёшлар олий таълим олмақда. Кўнгирут кимё санаяти касб-ҳунар коллежи ҳам корхонамизни муваққислар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизнинг энг кенжа шаҳри — Элобод кундан-кунга яшнаб, чирой очиб бормоқда. Бу ерда кимё санаяти ходимларининг яшаши, ҳордиқ чиқариши, санъат ва спорт билан шуғулланиши учун ҳам барча шарт-шароитлар мавжуд. Бошқача айтганда, Устюрт Оролбўйининг порлоқ истиқболга пойдевор яратмоқда!

Қарор ва ижро

Хорижий тилларни билиш — давр талаби

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ НЕМИС ТИЛИГА ИХТИСОСЛАШГАН 60-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИНИНГ 15 НАФАР ЎҚИТУВЧИСИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ МУЛЬТИМЕДИАЛИ УМУМТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИДА «ИНТЕРФАОЛ ДОСКАЛАР БИЛАН ИШЛАШ МУРАББИЙ» Йўналиши бўйича ўқитилди

Роман БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири

Бу эса ўқув муассасасида хорижий тилларни ўзлаштириш жараёнига энг замонавий ахборот технологияларини жорий этиш имконини беради. Хусусан, интерфаол доскалар имкониятларидан фойдаланиш хорижий тилларни ўқитишни янада самарали ва сифатли бўлишини таъминлабгина қолмай, уни ҳар бир болани қизиқтириб қўядиган завқли ўйинга айлантиради.

Барча соҳаларда ахборот-коммуникация технологиялари ва техник тараққиётнинг жадал ривожланиётганини ҳисобга олсак, хорижий тилларни ўзлаштириш кишиларнинг муомала маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилаётганини кўрамиз. Шу боис, замонавий ахборот технологиялари ва медиа-технологиялардан фойдаланган ҳолда, умумтаълим мактабларида хорижий тилларни ўқитиш тарғабига иختисослашган мактабларга беришга ҳаракат қилади. Ҳозирги кунда мактабимизда 2273 нафар ўқувчи таълим олмақда. Мактабимизда немис тилини ўргатишга бошқа умумтаълим мактабларига нисбатан кўпроқ эътибор қаратилади ва кўп вақт ажратилади. Ўқув даргоҳимизда юқори малакали мутахассислар, биринчи ва олий тоифали ўқитувчилар дарс беради, уларнинг дарслари эса ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқшини янада кучайтиради.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2013-2014 ўқув йилидан чет тиллар умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан эса алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштириш бўйича босқичма-босқич ўқитила бошланади. Мазкур ўзгаришларни амалга оширишда хорижий тилларга ихтисослашган давлат умумтаълим мактаблари муҳим роль ўйнайди. Немис тилига ихтисослашган 60-давлат

умумтаълим мактаби шулар жумласидандир.

— Бугунги кунда чет тилларини билиш кишига чексиз имкониятлар эшигини очди, унинг дунёқарашини кенгайтиришга ёрдам беради, — дейди 60-умумтаълим мактаби директорининг ўринбосари Т.Романо-

тилида ўтилади, болалар зарур сўз ва ибораларни автоматик тарзда эслаб қолади ва грамматикани ўзлаштириб боради.

Ўқиб жараёни бир неча босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқич якунида болалар имтиҳон топширади ва таълим жараёни якунида

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ 2012 ЙИЛ 10 ДЕКАБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ, 2013-2014 ЎҚУВ ЙИЛИДАН ЧЕТ ТИЛЛАР УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ БИРИНЧИ СИНФЛАРИДАН ЎЙИН ТАРЗИДАГИ ДАРСЛАР ВА ОҒЗАКИ НУТҚ ДАРСЛАРИ ШАКЛИДА, ИККИНЧИ СИНФДАН ЭСА АЛИФБО, ЎҚИШ ВА ГРАММАТИКАНИ ЎЗЛАШТИРИШ БЎЙИЧА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЎҚИТИЛА БОШЛАНАДИ.

ва. — Кўпчилик ота-оналар фарзандларининг чет тилини пухта ўрганишини ис- тайди, шу боис, болаларини хорижий тилларни чуқур ўргатишга ихтисослашган мактабларга беришга ҳаракат қилади. Ҳозирги кунда мактабимизда 2273 нафар ўқувчи таълим олмақда. Мактабимизда немис тилини ўргатишга бошқа умумтаълим мактабларига нисбатан кўпроқ эътибор қаратилади ва кўп вақт ажратилади. Ўқув даргоҳимизда юқори малакали мутахассислар, биринчи ва олий тоифали ўқитувчилар дарс беради, уларнинг дарслари эса ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқшини янада кучайтиради.

уларга тегишли диплом берилади. Давлат аттестатидан таққари уларга сертификат ҳам топширилади. Унинг асосида тўққизинчи синфни тугатган битирувчилар тил йўналишидаги хорижий ўқув муассасасига немис тилидан имтиҳонсиз ўқишга кириш ҳуқуқига эгадир.

Мактабдаги машғулотлар барча замонавий ахборот ва медиа технологияларини яратишда улкан имкониятлар очди, — дейди немис тили ўқитувчиси И.Маг-

да. — Кўплаб ўқувчиларимиз интернетдан фойдалана олади, бу уларга дарсларга тайёрланиш, қўшимча алабиёт ва дарслиқлар, ўқув сайтларини топишда қўл келади. Мактабимизнинг айрим ўқувчилари тил ўрганиш бўйича он-лайн курсларда ҳам шуғуллашади. Мен одатда болаларга ижодий топшириқлар бераман. Бунда болалар бир неча мавзу орасидан биттасини танлаш лозим. Ўқувчи шунинг асосида интернетдан материал топади ва немис тилида матн тузиб, ўз ишини слайд-шоу шаклида тақдим этади.

Аграр сектор

КАРТОШКА ЧИН УРУҒДАН ОЛИНМОҚДА

Китоб туманидаги Қўйбоққой қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Чигатоё қишлоғида яшовчи талбиркор Абдумурод Ашуров бундан бир неча йил муқаддам шпрус мевалар етиштириш борасида изланишлар олиб бориб, қаламчадан лимон кучатлари етиштиришни ўйлаб қўйган. 15 сотих майдонда боғ, 8 сотих майдонда лимонари, 4 сотих ерда кучатчилик, 6 сотих майдонда эса узумчиликни ташкил этган миришкор ҳар биلى лимон ва лимон кучати етиштиришдан 10 миллион сўм апрофида фойда олади. Айти пайтада лимонга апельсин ва мандарин қаламчаларини пайванд қилиш орқали серҳосил ва эртапишар кучатлар яратиш билан ҳам шуғулламоқда.

Аҳамиятлиси, яқинда Тошкентта ташкил этилган Халқаро картошкачилик марказига аъзо бўлган А.Ашуров чин уруғдан картошка етиштириб, дастлабки ҳосилани олди. — Халқаро картошкачилик маркази Перуда жойлашган, — дейди у. — 2005 йилда Ўзбекистонда унинг ваколатхонаси очилганини эшитганимдан кейин марказ олимлари билан алоқа ўрнатдим. Уларга туманимизда картошка уруғи эскириб кетганлиги боис, ҳосилдорлик кескин камайиб кетаётганини маълум қилганимда улар менга чин уруғни кўпайтиришни маслаҳат беришди. Саёфулла ИКРОМОВ тайёрлади.

**АНДИЖОН:**

Хонобод шаҳридаги корхона ва муассасалар қошида тузилган БПТ раислари иштирокида «Обод турмуш йили» а қўзда тутилган устувор партиявий вазифалар муҳокама қилинди. Тадбирда ғоявий-сиёсий ишлар самарадорлигини янада оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди.

**БУХОРО:**

О'zLiDeP Пешку туман кенгашида «Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда бошланғич партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари раҳбарлари қатнашди.

**ФАРФОНА:**

Қувасой шаҳрида О'zLiDeP фаоллари иштирокида Президентимиз Ислам Каримовнинг «Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» номли маърузасини ўрганишга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

2013 йил 31 январь, пайшанба, 04 (480)-сон

web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

Фаоллик партиявий ишларнинг биринчи шартидир

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИГА ҚАРАШЛИ «МАРКАЗИЙ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗА» ҚОШИДАГИ БПТ АЪЗОЛАРИ ИККИ ЖИДДИЙ МАСЪУЛИЯТНИ ЗИММАЛАРИГА ОЛИШГАН: БИРИНЧИСИ — КОМБИНАТ ТАЪМИНОТИ УЧУН ЗАРУР МОДДИЙ РЕСУРСЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЎЛСА, ИККИНЧИСИ — ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИ БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҚАМЛАШДИР

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,
XXI ASR

Авал бошдан айтиш жоизки, маслаҳатлар ҳар икки вазифанинг ҳам улдасидан чиқишарди. Бониси, улар аниқ режа асосида иш олиб бормоқдалар — Жамомиз зиммасига комбинатни зарурий ашё ва жиҳозлар билан таъминлаш — юкларни қабул қилиш, жойлаштириш, қўриқлаш ва талабнома асосида тегишли корхоналарга етказиш вазифаси юклатилган, — дейди БПТ раиси Ғолиб Турсунмуродов. — Бу муҳим жараёнда 24 нафар О'zLiDeP аъзоси ҳам фаол иштирок этмоқда. Уларнинг аксарияти ёшлар эканлиги боис жамоат ишларида ҳам бошқаларга ўрнак. Айниқса, Жамшид Умаров, Баҳодир Бўронов, Абдумўмин Жанниев, Нуриддин Қулматов каби маслаҳатларимизнинг ташаббуси билан биргана ўтган йилда 15 та муҳим партиявий-сиёсий тадбир ўтказилди. Уларда юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг муҳим воқеалар қамраб олинмоқда. Масалан, 14 январь — Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан Президентимизнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригини жамомизнинг қаҳрир ўшидаги аъзолари билан ўқиб-ўрганиб, Қуролли Кучларимизда ўтказилаётган тўб ислохотлар моҳиятини уларга етказишга ҳаракат қилдик.

Ҳа, БПТ етакчиси таъкидлаганидек, интизом бор жойда барча йўналишлардаги ишларни ўйеун тарзда олиб бориш мумкин. Бу эса партия аъзоларида эртанги кунга ишончини янада кучайтириб, уларнинг фуқаролик жамиятини қуриш ва демократлаштириш жараёнидаги иштирокини фаоллаштириши. БПТ ва партия шаҳар кенгаши ўртасидаги изчил алоқа эса кўйи ва юқори бўғин учун ўзаро маълумот алмашиш ҳамда умумий партиявий фаолиятнинг янада самарали бўлишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.



— Мазкур БПТ шаҳардаги бошқа бошланғич ташкилотларга ҳам намуна бўлаётганининг яна бир сабаби бор, — дейди О'zLiDeP Навоий шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Ирода Пардаева. — Ташкилот етакчисининг жонқуярлиги боис партиявий фаолиятни янада такомиллаштириш, маслаҳатларнинг сиёсий билимларини мустақамлаш, аъзолик бадалларини тўлаш каби ишлар ўз вақтида амалга оширилмоқда. Унинг етакчилигида ўтказилаётган деярли барча тадбирларда муҳим масалалар атрофлича муҳокама этилиб, натижалар сарҳисоб қилинади. Юзага келган айрим муаммолар корхона маъмуриятига етказилиб, ижобий ҳал этилишига эриши-

лаётгани эса О'zLiDePчилар обрў-эътиборининг янада мустақамлашишига хизмат қилмоқда. Натижада ўтган йил мобайнида партия аъзолари сони 15 нафарга кўпайди.

Кези келганда таъкидлаш керакки, бу каби БПТлар жойларда ва меҳнатқашлар жамоалари ўртасида О'zLiDeP имиджларини оширишга хизмат қилган билан ҳам аҳамиятлидир. Улар туфайли аҳоли, энг муҳими, унинг сиёсий фаол қатламлари партиянинг ғоя ва мақсадлари моҳиятини англаб етмоқда. Бундай фаолият, ўз навбатида, партия электорати сафларини кенгайтириши ва ҳақ вақиллик органлари учун ўтказилажак сайловларда ўз самарасини бериши шубҳасиз.

О'ZLIDEP УСТАВИДАН

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ АХОЛИНИНГ ТУРЛИ ҚАТЛАМ ВАКИЛЛАРИ, ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР, ФЕРМЕРЛАР, МУЛҚДОРЛАР СИНФИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДЛАВЧИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА БОШҚА МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИГА ДОИМИЙ ТАРЗДА ТАХЛИЛИЙ МАТЕРИАЛЛАР ВА ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМ ЭТИБ БОРИШНИ ЙЎЛГА ҚўЯДИ.

Қоғоздаги эмас, амалдагиси ҳисоб

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА СЎЗ БОРГАНИДА ҚОҒОЗДА ЭМАС, БАЛКИ АМАЛДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАРГА ҚАРАБ БАҲО БЕРИШ МАҚСАДГА МУВОФИҚДИР

Ўз мухбиримиз

Зеро, ислохотларнинг ҳозирги босқичида қуруқ сўз билан ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди. О'zLiDeP Қизилқум туман кенгаши тизимидаги «Янги турмуш» бошланғич ташкилоти фаолияти билан танишиб, ана шундай хулоса чиқариш мумкин.

2004 йилда 16 нафар партия аъзоси иштирокида тузилган ушбу ташкилот таркибидagi сурхондорлик маслаҳатчилар сони айна кунга келиб 80 нафарга яқинлашди. Қувонарли жиҳати, партия фаоллари фақат ўзлари меҳнат қилаётган корхона ёки истиқомат ҳудуди билан чекланиб қолмай, туман миқёсида ўз фаолиятларини намоён этишмоқда. Бошланғич ташкилотга мурожаат қилаётган фуқароларга ҳам имкон қадар ёрдам кўрсатилаётти. Шундан бўлса керак, бу даргоҳдан ҳали ҳеч ким норизо бўлиб кетгани йўқ.

Дарвоқе, бошланғич ташкилот етакчиси Х.Ражапов туман ҳокимлигида тадбиркорларни рўйхатга олиш инспекциясининг етакчи мутасхассиси. Партия электорати бўлиши мулкдорлар, уларнинг муаммоларидан яхши хабардор. Шу боис ҳам у ўз партиявий бурчига масъулият билан ёндашади.

Айни пайтда қонунчилигимизда тадбиркорлар учун қўлай ҳуқуқий асослар белгилаб қўйилгани ҳамиса эътироф этмоқда, — дейди кўйи бўғин етакчиси. — Хусусан, рўйхатга олиш жараёни тўбора соддалантирилган бўлишига хизмат қилган бўлиши мумкин. Энг муҳими, О'zLiDePдан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар кўйи бўғинларга бириктирилгани яхши самара бермоқда. Мана, бир мисол. «Янги турмуш» бошланғич ташкилотига бириктирилган вилоят кенгаши депутати Жамила Худойқулова иштирокида бир қанча қадимий муаммолар чўқур ўрганилиб, ижобий ҳал қилинди. Жумладан, «Қормаки» маҳалласида электр таъминотини яхшилаш мақсадида 1,5 км. узун-



бор, албатта. Ана шуларни эътиборга олиб, жорий йилда қонунлар ижросини тўла таъминлаш, тадбиркорларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини пухта англаб стишлари учун қўлай шарт-шароит яратишга эътибор кучайтириляпти. Ўтган йили жойларда ташкилот эътибори 20 га яқин партиявий тадбирларнинг аксарияти ана шу масалаларга қаратилган эди.

Таъкидлаш жоизки, «Янги турмуш» бошланғич партия ташкилотининг бу борадаги саъй-ҳаракат ва ишлари доимо рағбатлантирилмоқда. Ўтган йили мазкур БПТ партия вилоят кенгашининг фахрий ёрлиги билан тақдирлангани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Энг муҳими, О'zLiDePдан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар кўйи бўғинларга бириктирилгани яхши самара бермоқда. Мана, бир мисол. «Янги турмуш» бошланғич ташкилотига бириктирилган вилоят кенгаши депутати Жамила Худойқулова иштирокида бир қанча қадимий муаммолар чўқур ўрганилиб, ижобий ҳал қилинди. Жумладан, «Қормаки» маҳалласида электр таъминотини яхшилаш мақсадида 1,5 км. узун-

ликдаги линия таъмирланди. «Оққўтон» маҳалласида эса 9 км. узунликдаги йўлни асфальтлаш ва янги қишлоқ врачлик пунктини қуриш масаласи ҳудудий инвестиция дастурига киритилди.

— Келгусида бу борадаги фаолиятимизни янада кенгайтирмоқчимиз, — дейди БПТ етакчиси Х.Ражапов. — Чунки «Обод турмуш йили» барча қатори бошланғич ташкилотлар олдига ҳам янгидан-янги талабларни қўймоқда. Шу муносабат билан яқинда О'zLiDePнинг навбатдаги устувор вазифалари ва бунда БПТнинг ўрни ҳамда роли» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда жорий йилда фаолиятимизни янада жонлантириш, ижтимоий-сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш, аҳолининг турли қатламлари орасига чуқурроқ кириб бориш, партия ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Бундан ташқари, одамларни ўйлан-тираётган муаммоларини ҳал этишга яқиндан қўмақлашнинг юзасидан турли фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Бу эса жойларда О'zLiDePнинг манқеи ва нуфузи тўбора ошиб бораётганини кўрсатади.

ХАБАРЛАР

ҲАДЕМАЙ ҚОРОНҚУЛГА ТУРИСТЛАР КЕЛА БОШЛАЙДИ

О'zLiDeP Бустонлик туман кенгаши раиси, таниқли тадбиркор Ҳалима Аширова ибратли ишга қўл уради. — Хотин-қизларнинг жамиятдаги обрў-эътиборини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, саломатликларини мустақамлаш, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш борасидаги ишлар ўз самарасини бераётти, — дейди Ҳалима она. — Бу эса биз, аёлларни янада ғайрат билан ишлашга даъват этмоқда. Ўзимдан қиёс: мушаккил шарофати билан дастлаб нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйгандим. Беш йил аввал «Кварн курилиш нур» хусусий корхонасини ташкил этдим. Шу кечакунда «Беш тўт» маҳалласида болалар боғини яраттиш, туманимизнинг энг хушманзара қишлоғи — Қоронқулла сайёҳлар учун мўлжалланган дам олиш масканини қуриш устида иш олиб бораёямиз.

Дарҳақиқат, О'zLiDeP фаоли тадбиркорлик фаолиятида ҳам, партиявий вазифалар ижросида ҳам кўнчилик сафоларига ўрнак бўлмоқда. Турли касб ва лавозимдаги кишилар кўнчилига йўл топди, ҳудуд аҳолисини ўйлан-тираётган қадимий муаммоларини имкон даражасида ҳал этиш унинг кўнчилик юмушига айланган. Ҳақ депутатлари Бустонлик туман кенгаши депутати сифатида амалга ошираётган ишлари ҳам диққатга сазовордир. Ўтган йили Ҳ.Аширова ташаббуси билан туманининг Нурчилик маҳалласи газлаштирилгани, 17 ва 18-мактаб ҳамда Чорбоғ ҳудудда жойлашган хизмат кўрсатиш ва энергетика касб-хўнар коллежининг таъмирдан чиқарилганидан сайловчилар ҳамда партия электорати жуда мамнун.

Тошкент вилояти. О'zLiDeP вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» бўлимининг Паркент туманида бўлиб ўтган йиғилиши Юртбошимизнинг «Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» номли маърузасидан келиб чиққан устувор вазифаларга бағишланди.

Тадбирда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, профессионал етакчи кадрлар захирасини шакллантириш кун тартибидан турган муҳим масалалардан бири эканлиги таъкидланиб, бу борада «Аёллар қаноти» имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш лозимлигига эътибор қаратилди.

Бухоро вилояти. «Аёллар қаноти» томонидан Бухоро туманида ташкил этилган навбатдаги давра суҳбати жисмонан соғлом авлодни дунёга келтириш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг тиббий савоҳонлигини ошириш масалаларига бағишланди. Сўзга чиққанлар жамиятни маънавий соғломлаштириш, сўнги пайтларда хотин-қизлар ўртасида ҳам учраб турган зарарли иллатлар (алкоголизм, гифаналик, чекиш ва ҳоказо)нинг олдини олиш учун жойларда тарғибот-таълим ишларини янада кучайтириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Самарқанда вилояти. «Мукадорлар ҳуқуқий қаролатини таъминлаш — О'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг устувор вазифаси». Пастдағом туманида ўтказилган навбатдаги тадбир ана шу мавзуга бағишланди. Унда хотин-қиз фермерлар, тадбиркорлар фаолиятини янада такомиллаштириш хусусида сўз юритилиб, соҳадаги мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш, аёллар ва ёшларни бу борада нодавлат ногижорат ташкилотлар имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш юзасидан муҳим фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Наргуза ҚАҲҚОРОВА таъйрлади.



МАМПАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДПАРИДА 2013 ЙИЛ УЧУН

XXI ASR

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИГА

ОБУНА давом этмоқда.

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг ахбороти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБАНИ ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ЭТИБ, 2013 ЙИЛНИНГ 1 ФЕВРАЛИДАН БОШЛАБ РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИГА ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИНИ СОТИШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБИ ЖОРИЙ ҚИЛИНАЁТГАНИНИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ушбу тартиб халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган, шунингдек, мамлакатимизда ҳам ўз ижобий жиҳатларини кўрсатган жисмоний шахсларга чет эл валютасини халқаро тўлов карточкасида фойдаланган ҳолда нақд пулсиз шаклда сотиш усулини қўллашни кенгайтиришни назарда тутди.

Ўзбекистонда бундай операциялар 1994 йилдан буюн амалга ошириб келинмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг йиғирмадан ортиқ ваколатли тижорат банки томонидан халқаро тўлов карточкалари муомалага чиқарилаётган ҳолда улардан 233 мингдан ортиқ жисмоний шахслар кенг фойдаланмоқда.

Ўзбекистондаги барча тижорат банклари «VISA International», «MasterCard» ва бошқа нуфузли халқаро тўлов тизимларининг тўлақонли аъзоси ҳисобланиб, улар реал вақт режимдаги банкларо тўловларни амалга ошириш имконини берувчи «СВИФТ» халқаро тизимига уланган.

Халқаро тўлов карточкасида фойдаланиш дунёнинг исталган мамлакатда товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китобларни ўша давлатда муомалада бўлган валютада амалга ошириш бўйича ўз эгасига унинг банк ҳисобварағидаги маблағларни тасарруф этиш имкониятини яратиши билан анча устуңликка эга эканлигини кўрсатмоқда. Бунда мазкур ҳисоб-китобларнинг амалга оширилиши нуфузли, умумэтироф этилган халқаро тўлов марказлари томонидан қафолатланган.

Шу билан бирга, халқаро тўлов карточкаларидан фойдаланиш, нақд валютадан фойдаланишдан фарқли равишда, маблағларнинг хавфсизлиги ва сақланишини қафолатлайди. Хусу-

сан, тўлов карточкаси йўқолган тақдирда ҳам маблағлар банк ҳисобварағида сақланаверади ҳамда ундан фақат эгасининг ўзи фойдаланиши мумкин бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, валюта айирбошлаш жараёнини янада соддалаштириш мақсадида, 2013 йилнинг 1 февралидан бошлаб ваколатли банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган барча жисмоний шахсларга чет эл валютасини нақдсиз шаклда, уларнинг шахсий банк пластик карточкасидаги миллий валютани чет эл валютасидаги халқаро тўлов карточкасига ўтказиб бериш йўли билан сотиш механизмни жорий этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Чет эл валютасининг жисмоний шахсларга нақд пулсиз шаклда сотилиши билан боғлиқ барча операциялар ваколатли банкларнинг валютот, шаҳар ва туман филиалларида очилган ҳамда аҳолига тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиш бўйича барча зарур техник ускуналар билан таъминланган махсус конверсион операциялар бўлимлари орқали амалга оширилади.

Жисмоний шахслар чет эл валютасини сотиб олиш учун ваколатли банкларнинг конверсион операциялар бўлимига фақат куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари зарур:

— шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, яшаш гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари учун ҳарбий билет);

(ЎЗА).

Қўшимча маълумотлар олиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига куйидаги «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат этиш мумкин: (8 800) 200-00-44, (8 371) 212-60-18.

Реклама ўрнида

Ишончли ҳамкорликдан — реал моддий манфаатдорликка

2012 ЙИЛДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ҲАМ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИБ, АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ ЮКСАЛИБ БОРАЁТГАНЛИГИНИ КўРСАТМОҚДА



Шубҳасиз, бу борада банк-молия, пул-кредит муносабатларини янада тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Президентимиз томонидан 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичлари эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига асосан, тижорат банклари фаолиятини етакчи халқаро меъёр ва стандартлар асосида ташкил этиш юзасидан жойларда изчил ишлар олиб борилаётгани ҳар биримизни мамнун этади.

Акциядорлик-тижорат «Туронбанк» жамоаси ҳам ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, иқтисодиётнинг турли тармақларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Айниқса, банк томонидан энгил санаотда муҳим ўрин тутадиган пахтани қайта ишлаш соҳасига оид янги лойиҳалар ўз вақтида молиялаштириладигани диққатга сазовордир.

Фаргона шаҳридаги «Фаргона ип-газлама ишлаб чиқариш» акциядорлик жамияти давлатимиз раҳбарининг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда иқтисодий ночор корхона-



ларни тижорат банкларида сотишга йўналтирилган тартиб бўйича ноль қийматда инвестиция киритиш шарт билан «Туронбанк» балансига ўтказилган эди. Кўп ўтмай, корхона оёққа тургач, «Фаргонатуронтекстиль» масъулияти чекланган жамияти шаклида мустақил фаолият юрита бошлади. Энг муҳими, ишлаб чиқариладиган ип-калага юқори сифати билан буюртмачиларга манзур бўлапти. Корхонада ўрнатилган янги дастгоҳларни касб-хунар коллежларини тамомлаган малакали кадрлар бошқармоқдалар. Бу эса

ёшларга кўрсатиладиган катта эътибордан далолатдир.

Айни кунда корхона жамоаси маҳсулот сифатини яхшилаш, турларини кўпайтириш учун барча имкониятлардан фойдаланилаётган. Шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан санаот корхоналари фаолиятини янада жонлантириш, қўшимча иш ўринлари яратиш долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ҳозир корхонада 400 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Улар учун барча маданий-маиший шароитлар яратилган.

Дарҳақиқат, акциядорлик-тижорат «Туронбанк» сармоялари иқтисодиётнинг устувор соҳаларини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратишда муҳим роль ўйнамоқда. Бу жараёнда миқдорларга жаҳон стандартлари даражасида тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш, уларнинг оғирини енгили қилиш ҳам банк жамоасининг эъзу мақсадига айланган. Бундай ишончли ҳамкорлик, шубҳасиз, ҳар икки томон учун бирдек манфаат келтирмоқда.

Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.

Эълон

ОАТБ «Туронбанк» калава-ип тайёрлашга ихтисослашган, айни пайтда замонавий технологиялар асосида фаолият кўрсатаётган «Фаргонатуронтекстиль» фабрикаси сотилишини эълон қилади.

Батафсил маълумотларни www.turonbank.uz веб-сайти ҳамда (+99871)271-66-77, (+99895)142-31-66 телефон рақамлари орқали ОАТБ «Туронбанк» инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаментидан олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР Йўналишларидаги ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ Бўйича ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҲОЯЛАРИ Бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичлари эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисидаги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474 сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокини рағбатлантириш орқали улар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

Фонд томонидан лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш талов асосида амалга ошириладиган ҳамда республика тижорат банклари томонидан молиялаштирилишига қўмақлашади.

Танлов куйидаги йўналишларга ўтказилган: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган санаот корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестицион жозибдорликка ва санаот соҳасида тағбиқ этиш истиқболга эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

Ариза (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).
Батафсил маълумот учун:
Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;
Web-site: www.fpd.uz;
E-mail: pdf.fund@gmail.com.

**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асадулла Ҳўжаев кўчаси, 1-уй.
Ўзбекистон банклари уюшмаси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиклол» санъат саройи, «Бунёдор» метро бекати.**

1-илова

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танловда қатнашиш учун
БУЮРТМАНОМА

1. _____
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)

2. _____
(тақдим этиладиган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)

3. _____
(Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомга куйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

— Инвестиция таклифи;
— Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлигига қафолат бераман.

Танкилот раҳбари

(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

2-илова

Инвестиция таклифининг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

- Лойиҳанинг номи;
- Лойиҳа ташаббускорини тўғрисидаги умумий маълумотлар: номи ва реқвизитлари; асосий фаолият тури; асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат)ларнинг, экспорт ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.
- Негизда лойиҳани амалга оширилиши режалаштириладиган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар: корхонанинг номи ва реқвизитлари; асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари; охириги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф) фойда ва бошқалар); умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари; мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар; кадрлар салоҳияти.
- Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
 - Маркетинг: ишлаб чиқариш учун тавсия этиладиган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми; дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, икки бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси; мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда); маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.
 - Ишлаб чиқариш: лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси; зарур бўладиган ходимлар сони.
 - Қуриш, қайта тиклаш, модернизацияланган инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
 - Молиялаштириш: лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати; объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати; лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
 - Лойиҳани амалга оширишдан қўйиладиган натижалар: қўйиладиган йиллик тушум ва соф фойда; экспорт ҳажми.

3-илова

Инвестиция таклифининг
ПАСПОРТИ

(лоийҳанинг номи ва жойлашган жойи)

№ п/п	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа параметрлари	Изоҳ
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан:	минг долл.		
1.1.	миллий валютада	млн. сўм		
1.2.	хорижий валютада	минг долл.		
2.	Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	минг долл.		
2.1.	шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун	минг долл.		
2.2.	Қурилиш-монтаж ишлари учун	минг долл.		
3.	Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси	млн. сўм		
3.1.	шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун	млн. сўм		
3.2.	қурилиш-монтаж ишларига	млн. сўм		
4.	Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони	киши		
4.1.	шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринларида	киши		
5.	Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси	йил		
6.	Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида	ўлчов бирлигига мувофиқ		
6.1.	шу жумладан, экспорт учун ўлчов бирлигига мувофиқ			

Халқаро ҳаёт

ГИДРОМАНИПУЛЯЦИЯ

ЁКИ СУВ РЕСУРСЛАРИ БОСИМ ЎТКАЗИШ ҚУРОЛИ СИФАТИДА

Салом **ДОНИЁРОВ**

Сув — бу ҳаёт демаслик. Шу боис сув ресурсларидан, айниқса, трансчегаравий дарёлардан адолатли ва оқилона фойдаланиш масалалари бутунги кунда бутун дунёда ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. Негаки, давлатларнинг келгусидаги тараққиёти, аҳоли фаровонлиги, энг муҳими, унинг осуда ҳамда бехатар ҳаёт кечириши айнан шу омиллар билан боғлиқ.

Аммо таҳдидлар шуни кўрсатмоқдаки, Тожикистонда Роғун ГЭСи ва Қирғизистонда Қамбарота ГЭСлар тармоғини қуриш лойиҳаларини илгари сураётган, трансчегаравий дарёларнинг юқори қисмида жойлашган қўшни давлатлар раҳбарларини бу нарса унчалик безовта қилмапти. Ҳолбуки, мазкур ҳудуднинг сейсмик жиҳатдан юқори даражада хавфлиги, лойиҳаларнинг ўзи ҳам пухта ўйланмагани бутун бир минтақанинг хотиржамлиги, миллионлаб кишиларнинг ҳаёти ва саломатлигига жиддий таҳдид солмоқда.

Улар келтирилган асосий ваъдалардан бири шуки, ривожланишнинг айна пайтдаги босқичида мустақил давлатлар ўз энергетик салоҳиятини кучайтириб бориши лозим. Гўёки, бундай йирик иншоотлар, уларнинг фикрича, қўшни давлатларга зарар етказмас эмиш. Лекин ҳолис экспертларнинг кўпчилиги бу масалага бошқача қарайдилар.

Мутахассислар Роғун гидроэлектростанциясининг қурилиши қилмаганда тушадиган таъбир ва унинг қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ошишига ҳеч қандай алоқаси йўқ, деб таъкидлашмоқда. Табиийки, бундай катта иншоотга кетадиган сарф-харажатни қоплаш учун Тожикистондан ундан йил давомида энергия ишлаб чиқариш учун фойдаланишдан бошқа йўл йўқ. Шундай қилиб, тожикистонлик гидроэнергетиклар йиллик энергия ишлаб чиқариш ҳажмини қарийб икки марта оширишди. Ваҳш ГЭСлар тармоғининг қишки мавсумдаги энергия чиқариш миқдорини кўпайтириб, ёзда эса дарёнинг қўйи оқимида жойлашган давлатлар сув ўтишини камайтиришди.

Шунингдек, Роғун сув омборининг бунёд этилиши ва ундан энергетик тартибда фойдаланиш қўйи ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Қапарас сув омборида чуқук сув тўпланиш амали мумкин бўлмайд қолди. Оқим камайган вақтда дарё сувининг минераллашуви даражаси ҳам ошадди, натижада устки сувлардан таъминланган турмуш ер ости сувларининг сифати пасаяди, иччи сув учун яроқли ҳисобланган захиралар миқдори қисқариб кетади. Бу эса дарё ва каналларнинг қўйи қисмида жойлашган сув олиш қурилмаларининг ишдан чиқиши хавфини тўғрилади, устига-устак, янги сув ҳўжалиги иншоотларини қуриш билан боғлиқ асосий молиявий харажатларни келтириб чиқаради.

Нуфузли мутахассисларнинг фикрича, ёзда сув сарфининг камайиши дарё сувининг гидрокинематик режимига ва минераллашуви таъсир кўрсатади, ўз навбатида, суғориладиган майдонларда тузлар тўпланиши тезлашади. Қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиш мумкин бўлмайдиган ерлар гўёки туз тўплаги аккумулятор сингари Амударёнинг қўйи оқимини шўрхот тақирга айлантиради. Тузлар эса теварақатрофга тарқалиб, минтақанинг шусиз ҳам бузилган экологик-мелиоратив ҳолатини янада ёмонлаштиради.

Шунга ўхшаш пухта ўйланмаган ҳаракатларнинг аянчли оқибати сифатида Орол денгизи-

нинг қуриган қисмидаги қўлга айланган бораётган ҳудудларни мисол қилиб келтириш мумкин. У ерда шамол кўтариб учираётган туз ва чанг узоқ-узоқ масофаларга тарқалаётгани маълумку. Амударёдаги вазият (яъни қишда ортиқча, кераксиз сувнинг кўп бўлиши ёзда етишмай қолиши) анча йиллар давомида такрорланса, тупроққа, унинг унумдорлигига етказиладиган эиш ҳам ортиб бораверсади, натижада қўйи бўғинда умуман дехқончилик қилишга шароит қолмайди. Бундан ташқари, Амударёнинг ўрта ва пастки қисмида сунъий равишда ҳосил қилинадиган сув тақчиллиги унинг ўзани қуриб кетишига ва ҳалокатли эпидемиологик вазиятнинг юзасига келишига сабаб бўлади.

Ўзанинг бузилиши ва қишда катта ҳажмдаги сувнинг келини Амударё сатҳининг кўтарилишига, тикчималар ҳосил бўлиб, сувнинг селиги қийинлашувига олиб келиши ва суғориладиган ерлар ботқоққа айлана боради. Шундай қилиб, қишлоқ ҳўжалик экинларига тузагиб бўлмас даражада катта зарар етади. Охириқибат, аҳоли яшайдиган жойларни, шаҳар ва қишлоқларни, муҳандислик иншоотларини сув босади.

Минг афсус, Роғун ГЭСи ва Қамбарота ГЭСлар тармоғини қуриш ташаббускорлари бундай гидротехник иншоотларнинг лойиҳасидаги камчиликларга ҳам эътибор беришмапти, ваҳоланки, унда йирик сув омборларининг геостатик мувозанати таъсир ҳисобга олинмаган. Ахир бунчалик гигант иншоотлар кўп тоннали тўғон ва бошқа қурилмалар, сув омбори тубига йиғилмайдиган балчиқ туфайли тобора кўпайиб, кучайиб борувчи сув массаси ва бошқа омиллар ҳисобига мазкур ҳудуднинг геостатик мувозанатини бутунлай ўзгартириб юбориши ҳаммага ойиқ равшан-ку. Ер қобиғи, олатда, кўпгина тектоник блоклардан иборат бўлади, у шундай оғир юкдан ларзага келиши ва блоклар жойидан қўзғалиб, зилзила юз бериши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримов БМТнинг Нью-Йоркда бўлиб ўтган Мингибиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммитидаги маърузасида Амударё ва Сирдарё оқимининг камайиши мазкур кенг минтақанинг шундоқ ҳам заиф экологик мувозанатини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин, деб таъкидлаган эди. Бундай шароитда ушбу дарёларнинг юқори қисмида улкан тўғонли гидроиншоотларни қуриш бўйича 30-40 йил аввал, собиқ шўро тузуми даврида ишлаб чиқилган лойиҳаларни амалга оширишга уриниш, агар бўлajak қурилиш майдонининг сейсмик даражаси 8-9 баллигини ҳисобга олсак, экологияга тузалмас жаражат етказиши, кейинги йилларда дунёда кузатилаётган ўта хавфли техноген ҳалокатларга сабаб бўлиши янада ойдинлашади.

Сув Ер қурраида яшаётган барча инсонларга инъом этилган умумий неъмат ва ҳеч нарса билан алштириб бўлмайдиган табиий бойликдир. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги ва қўлай экологик вазият айнан у билан боғлиқ. Шундай экан, сувдан алоҳида бир давлат манфаати йўлида фойдаланиш, бу қўшниларга хавф солиши мумкинлигини ҳисобга олмаслик халқаро ҳуқуқнинг тегили меъёр ва тамойилларини тўғридан-тўғри бузиш демаслик.

БМТ ЕИКнинг 1992 йил 17 мартдаги трансчегаравий очиқ сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича Конвенцияси, шунингдек, БМТнинг 1997 йил 21 майдаги Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақидаги Конвенциясида аниқ белгиланган

қўйилганидек, трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш, шу жумладан, гидроэнергетик иншоотларни қуришга тегишли ҳамма қарорлар атроф-муҳитга катта эиш етказмаслиги, чегаралош давлатлар манфаатини камситмаслиги керак.

Сув муаммосини халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёр ва тамойиллари асосида ҳал этишга қаратишга ушбу икки ҳужжати Ўрта Осиё давлатлари орасида ҳозирча фақат Ўзбекистон имзолаган. Конвенцияларга қўшилиш билан мамлакатимиз халқаро сув ҳуқуқи меъёр ва тамойилларини ҳурмат қилиши ҳамда уларга солиқлигини ибобтлаши, дарё сувларини, шу жумладан, ўз ҳудудидан оқиб ўтувчи трансчегаравий дарёларнинг сувини эҳтиёт қилиш, сифатини яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Мамлакатимизда сув ҳўжалиги тизими ислоҳ қилинди. Сув ресурсларини бошқаришда маъмурий-ҳудудий бошқарув шаклидан ҳавзавий бошқарувга ўтилган. Сув захираларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, мелиорация иншоотларини реконструкция қилиш ва қуриш, магистрал каналлар, коллекторлар, дренаж тармоқлари ва насос станцияларини тиклаш ҳамда таъмирлаш бўйича мақсадли ишлар олиб боришмоқда. Соҳага янги инновацион технологиялар жорий этилмоқда, ерларнинг мелиоратив шароитларини яхшилаш ва муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш учун давлат томонидан тўғридан-тўғри инвестициялар ажратилмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши диверсификация қилиш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилди. Кўп сув талаб қилувчи фўза, шоти ва беда ўрнига намликка нисбатан камроқ эҳтиёж сезадиган бошоқчи дон, полиз экинлари ва бошқа ўсимликларнинг майдонлари кенгайтирилди.

Сув, ер ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш билан боғлиқ бир қатор миллий концепциялар, стратегиялар, дастурлар ва ҳаракат режалари қабул қилинган ва ҳаётга табиқ этилмоқда.

Яна Роғун ГЭСига қайтсак. Сув омбори энергетик режимида ишлайдиган бўлса, айна вақтдаёқ экинларни суғориш даврида мавжуд бўлган сув етишмовчилиги келгусида янада кўпроқ сезилиб, у 22,2 фоизга ортиши кутилмоқда. Ҳозир сув тақчиллиги билан ажралиб турган айрим йилларда энергетик ва ирригацион режимдаги фарқ Роғунсуз ҳам 5,6 куб метрни ташкил этаётган. Роғун қурилса, бу фарқ 10 ва ундан ортиқ куб метрга етади. Яъни электр энергиясини энергетик ва ирригацион режимида ишлаб чиқариш ўртасидаги фарқ даяри икки бараварга ошади. Бу эса глобал даражадаги ўзгаришлар, олинган қўйи бўлмайдиган оқибатлар, деганидир. Шундай қилиб, табиий мувозанатга ҳар қандай аралашув, агар у техноген ўзгаришлар келтириб чиқариши мумкин бўлса, албатта, чуқур экспертизадан ўтказилиши шарт. Роғун ГЭСининг қурилиши эса айнан шундай ҳолисасир.

Яқинда Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўлиб ўтган БМТнинг барқарор ривожланиш бўйича Конференциясида қайд этилганидек, аҳолининг фаол даражада ўсиши, жадал санаятлашиш, глобаллашуви, озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг ортиши, электр энергияси ишлаб чиқариш каби инсоннинг фаолият турлари билан боғлиқ омиллар чекланган табиий ресурсларга босим ўтказмоқда. Иқлим ўзгариши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, сув ва бошқа ресурсларнинг етишмовчилиги шароитида бизнинг экотизимимиз жуда кўп хавф-хатарларга дуч келаётир. Ҳаёт учун энг зарур табиий бойлик ҳисобланадиган



сув эса, шубҳасиз, барқарор ривожланиши таъминлашда ҳал қилувчи ресурсдир. Шунинг учун ҳам сув ресурсларини сақлаш ва улардан фойдаланишга тегишли муаммолар бутун дунёда катта таъмин уйғотмоқда. Афсуски, сайёрамизда ишлатиш учун яроқли ва олиш мумкин бўлган сув захиралари анчайин чекланган, боз устига, нотекис тақсимланган. Ҳозирги даврда қатор мамлакатларнинг аҳолиси сув муаммосидан азият чекаётир, тоза ичимлик суви тақчиллиги айрим давлатларда, айниқса, қишлоқ жойларда, озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилигига ва турмуш шароитининг ёмонлашуви сабаб бўлаётти.

Бенихтиёр савол туғилади: ҳўш, қурилиш лойиҳасини зўр бериб ҳимоя қилаётган ташаббускорлар мана шундай ибботи далиллар ҳақида, бир лаҳза бўлса-да, ўйлаб кўришимикан?

Чамаси, Роғун ГЭСи ва улкан сув омборини қуришдан қўзланган асосий мақсад республика аҳолисини электр энергияси билан таъминлашдан иборат эмас, чунки бундай катта миқдордаги энергия Тожикистонга, ҳатто, узоқ истиболда ҳам керак бўлмайди. Мақсад — асрлар давомида минтақамиздаги хотиржамлик ва фаровонлик манбаи бўлиб келган азим дарёнинг қўйи бўғинида жойлашган давлатларга сиёсий ва иқтисодий босим ўтказиш “қуроли”ни яратишдир.

Ҳаммаси оддий. Роғун ГЭСидек стратегик объектга эга бўлиш сув ресурслари билан “манипуляция” (айёронга хатти-ҳаракатлар) қилиб, ўз ғаразли манфаатларини илгари суриш, бошқаларга шарт ва талаблар қўйишга имкон беради. Буни тугмачали “қора чамадон”га ўхшатиш мумкин. Тугмачани босиш эса даҳшатли оқибатларга, юз йиллар давомида аҳил-иноқ яшаб келган халқлар орасига раҳна солишга олиб келади.

Бугунги кунда Амударё ва Сирдарёнинг сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги минтақавий ҳамкорлик Оролни кўтариш халқаро жағфармасининг (МФСА) органи бўлган Сув ҳўжалиги давлатлараро мувофиқлаштириш комиссияси (МКВК) фаолияти доирасида амалга оширилади. Ушбу комиссия аъзолари — минтақадаги бешта давлат: Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистоннинг сув ҳўжалиги органлари раҳбарларидир. Ташкилотнинг вазифаси Амударё ва Сирдарёнинг сув ресурсларини тақсимлаш, ҳар бир давлат учун ичимлик сув истеъмоли лимитларини ҳамда йирик сув омборларининг иш режимини тасдиқлашдан иборат.

Лекин кейинги йилларда Тожикистон ва Қирғизистон минтақанинг сув ресурсларини бошқаришда энергетика манфаатлари ва “сув — энергия” механизми акс этмаганлигини баҳона қилиб, нафақат МКВК, балки бутун МФСА тузилмасини ислоҳ қилиш тарафдори бўлиб чиқишмоқда. Бунда улар МФСА, МКВК ва уларнинг ижроия органлари бўйича янги келишувни ишлаб чиқишни таклиф этишаётир. Қўшни давлатларнинг бундай

ҳаракатларидан мақсад, қандай бўлса-да, минтақанинг сув ресурсларини бошқариш масалаларини МФСА доирасида энергетика билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқишга эришиш, шу орқали ўзларининг гидроэнергетик ҳўкморлигини ўрнаттишдан иборат.

Буларнинг ҳаммаси “гидро-манипуляция” кўринишлари бўлиб, жаҳон ҳамжамияти лойиҳа ташаббускорларининг шу сингари уринишларини ёқламайди. Масалан, 2012 йилнинг ноябрь ойида Римда Трансчегаравий очиқ сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича Конвенция томонлари йиғилишининг олтинчи сессиясида ўтказилган давра суҳбатига Табиатни муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш институти эксперти Э. Карусо Роғун ва Қамбарота ГЭСлари қурилиши масаласига тўхталар экан, трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш бир ёки бир неча давлатларнинг иштироки бўла олмаслигини, йирик тўғонлар қурилиши дарё бўйидаги барча давлатлар, айниқса, пастки қисмда жойлашганлар билан, албатта, келишилган бўлиши кераклигини таъкидлади. Бунинг устига юқори оқимдаги дарёларнинг ўз гидроэлектростанцияларидан “қўйидагилар” манфаатини ҳисобга олмай фойдаланиши бу мамлакатлар иқтисодиёти ва аҳолиси учун ҳам ҳалокатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин, бунга эса йўл қўйиб бўлмайди. Эксперт, Европа давлатлари таърибасидан келиб чиққан ҳолда, сейсмик ҳудудда анча самарали ва хавфсизроқ бўлган кичик ГЭСлар қуриш мақсадга мувофиқроқ эканлигини таъкидлади.

“AQ International” компанияси директори, сув масалалари бўйича эксперт С. Качёла ўз маърузасида Амударё ва Сирдарё сувларидан номақбул фойдаланиш Оролбўйидаги вазиятнинг кескин ёмонлашуви сабаб бўлишини қайд этди. Унинг фикрича, юқорида жойлашган давлатлар сувга катта эҳтиёж сезаётган қўйи давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олишлари керак. Шунинг учун масалани келишган ҳолда, тўпланган таъриб ва амалдаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб ҳал этиш лозим.

Италиянинг “La Nostra Gazzeta” журнали муҳаррири Д. Симоне Ўрта Осиёнинг трансчегаравий дарёларида ГЭСлар қурилиши билан боғлиқ воқеаларни бир неча йилдан буён кузатиб бораётганини, мана шундай долзарб масалани ҳал этишда пастки қисмдаги давлатлардан фақатгина Ўзбекистон фаол қатнашиб келаётганидан афсусда эканини айтиб ўтди. Унинг фикрича, Амударё ва Сирдарёнинг пастки бўғинида жойлашган давлатлар қурилиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англаб етишлари ва муаммо ечимида янада фаолроқ иштирок этишлари керак.

“Ўрта Осиёдаги сув масаласи — умуман, тараққиёт ва хавфсизлик масаласининг ажралмас қисми”, дея таъкидлади Геосиёсий тадқиқотлар ва амалий фанлар институти илмий ходими Д. Читати. У трансчегаравий дарёларнинг

юқори қисмида жойлашган давлатлар халқаро сувларга тегишли БМТ конвенцияларига, уларнинг асосий талаблари, шу жумладан, дарёдан фойдаланганда атроф-муҳитга таъйин ҳолда ҳал этилиши лозим. Умид қиламизки, улкан энергетик иншоотларни қуриш ташаббускорлари ниҳоят бу ишга онгли равишда ёндашадилар ва халқаро ҳуқуқ тамойилларига риоя этадилар.

Мухтасар айтганда, сув масаласида нафақат минтақавий, балки глобал миқёсда юз берган вазият ҳамда ортиб бораётган хавф шуни кўрсатмоқдаки, трансчегаравий сув ресурсларидан адолатли ҳамда оқилона фойдаланиш муаммоси фақат ва фақат халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларига таъйин ҳолда ҳал этилиши лозим. Умид қиламизки, улкан энергетик иншоотларни қуриш ташаббускорлари ниҳоят бу ишга онгли равишда ёндашадилар ва халқаро ҳуқуқ тамойилларига риоя этадилар.

«Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 19-сонидан олинди.

ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

КВИНСЛЕНДЛИКЛАР ТОМДА ЖОН САҚЛАМОҚДА



Австралиянинг Квинсленд штатида кучли жаала туфайли мингга яқин турар-жой биноларнинг сув босгани оқибатида 3 киши ҳалок бўган. Табиий офат туфайли штатнинг 2 мингга яқин аҳолиси электр энергиясиз қолмоқда. Тинимсиз ёмғир напийжасида сув сатҳи кўтарилиб, салкам 8 метрга етган. Мингдан зиёд одамлар кўп қаватли уйларнинг томига чиқиб, жон сақлаётдилар. Айни пайтда фуқароларни хавфсиз жойларга кўчириш ишлари кечая кунга олиб борилмоқда.

ЎТ БАЛОСИ



Бразилиянинг Санта-Мария шаҳридаги «Kiss» тунги клубидаги ёнғин оқибатида 232 киши ҳалок бўлди. Шу боис, мамлакатда 3 кунлик мотам эълон қилинди. Маълум бўлишича, ёнғин пиротехника воситасидан қўйилган напийжасида келиб чиққан. Ут учурвучлар 3 соат дағанда алангани бартараф этишга муваффақ бўлишди. Ҳалок бўлганларнинг аксариятини университет талабалари ташкил этгани айтилмоқда. Бу Бразилия тарихида рўй берган энг ўпирк ёнғинларнинг иккинчиси. Бундан аввал — 1961 йили ширка рўй берган ёнғин туфайли 500 киши оламан куз юган эди.

ЧОЙ-ЧАҚА УЧУН — 10 МЛН. ДОЛЛАР



Хабарларга қараганда, Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган ким ошди савдосида бундан 220 йил аввал зарб қилинган кумуш доллар тангаси 10 миллион АҚШ долларига сотилди.

Тарихчиларнинг фикрича, бу турағай тангалар ҳозирда даяри қолмаган ва шунинг учун ҳам ушбу нусха нобб саналади. Танганинг олд томонида аё кишининг сурати акс эттирилган ва уни эркинлик рамзи бўлган 15 та юлдуз ураб турибди. Орқа томонида эса АҚШ рамзи саналган оқбошли бургут тасвирланган. Ушбу кумуш танга аввал таниқли америкалик коллекционерга тегишли эди, эндиликда эса уни Нью-Жерсидаги нумизматик тангалар билан савдо қилувчи компания сотиб олди.

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА



Қозғистоннинг Олма-Ота шаҳри яқинида CRJ-200 бўловчи самолёт ҳалокатга учраши напийжасида самолёт бортидаги 5 нафар экипаж аъзоси ва 15 нафар бўловчи ҳалок бўлган. «Скат» авиакомпанияси вакиллари таъриб маълумотларига қўра, самолёт Кокчеват — Олма-Ота ўйналиши бўйлаб парвоз қилаётган пайтда нуқулдай об-ҳаво шароитида биринчи уринишда қўна олмаган ва лайнер ерга қулаган.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Яқкасарой туман ҳокимлигининг 2011 йил 10 февралдаги 005816-11-сонли қарорига асосан рўйхатга олинган «ASIA STAR CONSULTING» масъулияти чекланган жамияти тугатилди. (ИНН 301837966, ОКПО бўйича коди 23488174) Эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мuddатда қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Нукус кўчаси, 23-уй. Тел: 170-24-48.

Сўнгги саҳифа

Футбол

Яна Дубай ва яна Озарбайжон

ЭРТАГА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ ГЕРМАНИЯЛИК МУТАХАССИС БЕРТИ ФОГТС МУРАББИЙЛИГИДАГИ ОЗАРБАЙЖОН ТЕРМАСИГА ҚАРШИ ТЎП СУРАДИ

Убайдулло ҲАМИДОВ,
«XXI ASR»

«ЖЧ-2014» ҳамда «Осиё кубоги-2015» мусобақаларининг жорий йилги саралаш баҳсларига муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида ташкил этилган дастлабки ўқув-машгулот йигини доирасидаги ўртоқлик учрашуви БААнинг Дубай шаҳрида бўлиб ўтди.

Ташкиллаш жои: терма жамоамиз бош мураббийи Миржалол Қосимов мазкур машгулотларга маҳаллий жамоаларда, шунингдек, Россия, Қозоғистон, Хитой ва БААда тўп сурувчи ўттизга яқин стақчи футболчиларни жалб этган бўлса-да, Одил Аҳмедов («Анжи», Махачқалъа), Виталий Денисов («Локомотив», Москва) ҳамда Сервер Жепаров («Ал-Шабаб», Ар-Риёд) каби легионерларни «безовта» қилмаган.

Маълумотларга кўра, 21 январь куни бошланган хориж йигини доирасида терма жамоамиз, аниқроғи, унинг экспериментал таркиблари Россиянинг «Краснодар» (0:1) ва «Урал» (1:0) футбол клубларига қарши назорат ўйинларини ўтказган.

— Бундай ўйинларда қайд этилган натижалар катта аҳамиятга эга эмас. Зеро, бу каби учрашувлар орқали биз терма жамоага қақирланган футболчиларнинг ҳозирги ҳолати, жисмоний тайёргарлиги тўғрисида тасаввурга эга бўлмоқдамиз. Бошқа-



ча қилиб айтганда, ўзимизнинг кучли ва кучсиз томонларимизни билиб олаёلمиз, — дейди М.Қосимов. — Умуман олганда, мураббийлар штабига ана шу йигинлар давомида мавсумнинг бўлажак муҳим баҳсларига жиддий тайёргарлик кўриш, жамоа таркибини ҳар томонлама шакллантириш вазифаси қўйилган.

Эртага ўтказиладиган Ўзбекистон-Озарбайжон учрашуви тўхтаган эканмиз, терма жамоалар шу кунгача бир-бири билан саккиз марта рўбарў бўлгани, иккита ўйинда ҳамюртларимиз, тўртта учрашувда эса рақиблар галаба қозонгани, икки баҳс дураник натижа билан яқунланганини айтиб ўтиш мумкин. Аҳамиятлиси, ана

шу ўйинларнинг 3 таси Озарбайжон пойтахти — Бокуда ташкил этилган бўлса, 2 таси юртимизнинг вилоят марказлари — Самарқанд (1999 йил) ва Қарши (2007 йил) шаҳарларида ўтказилган. Қолган учрашувлар бетаараф ҳудудларда (Болгария, Қозоғистон ва БАА) бўлиб ўтган. Энг қизиғи, ўзаро ўтказилган сўнгги беллашув роппа-роса 4 йил аввал, 2009 йилнинг 1 февралда ва айнан Дубайда ташкил этилган хориж йигини доирасида ташкил этилиб, унда томонлар «муроса» йўлини (1:1) танлашган. Умид қиламизки, бу гал футболчиларимиз ижобий натижага эришиб, ўзаро ўйинлар кўрсаткичини яқинлаштиришга муваффақ бўлади.

Эслатиб ўтиш лозим: ўқув-машгулот йигинини 2 февралда яқунлайдиган футболчиларимиз 6 февраль куни «Осиё кубоги-2015» мусобақасининг саралаш босқичидан ўрин олган ўйинда Гонконг терма жамоаси билан беллашадилар. «Пахтакор» стадионида бўлиб ўтилган ушбу учрашув соат 16:00 да бошланади.

2014 йил Бразилияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати сўнгги квалификация босқичининг навбатдаги учрашувларига эса 26 март куни старт берилди. Шу куни Миржалол Қосимов шогирдлари янги «Бунёдкор» стадионида Ливан терма жамоасини қабул қилди.

Маланият



«АСРЛАР САДОСИ» НЬЮ-ЙОРКДА

АҚШда ўтказиладиган йирик сайёҳлик кўргазмалардан бири — «New York Travel Show»да «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг навбатдаги тақдироти бўлиб ўтди.

«FundForum.uz» ҳамда «Silk Road Treasure Tours» (АҚШ) туристик компанияси билан ҳамкорлиги ва Ўзбекистоннинг Нью-Йоркдаги Бош консулиги кўмағида ташкил этилган мазкур тадбирга қариб 20 минг меҳмон таширф бўрди.

Жамғарма ахборот хизмати билан хабар қилганича, дунёнинг қариб 500 та етакчи сайёҳлик компанияси иштирок этган кўргазма қатнашчиларига Буюк ипак йўлида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент ва Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларимизнинг бетақор метеморий ёдгорликлари ҳақида ҳикоя қилувчи сувенир ва буклетлар тарқатилиб, 2008 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Асрлар саоси» фестивали тўғрисида атрафда маълумот берилиб, санъаткорларимиз ижросида концерт дастурлари ҳам намойиш этилган.

Ҳамкорлик

Флоренция Самарқанднинг дўстига айланди

ИККИ ШАҲАР ЎРТАСИДА ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЎРНАТИШ МАҚСАДИДА ИТАЛИЯДАН ТАШРИФ БУЮРГАН ДЕЛЕГАЦИЯ АЪЗОЛАРИ 25-28 ЯНВАР КУНЛАРИ КЎҲНА ВА ҲАМИША НАВҚИРОН КЕНТ МЕҲМОНИ БЎЛДИЛАР

Муҳаббат РАВШАНОВА,
«XXI ASR»

Леонардо да Винчи, Микеланжело, Данте, Галилей каби буюк сиймоларга бешик бўлган маскандан келган флоренцияликлар даставвал Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари билан танишиб, шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятлари билан яқиндан танишдилар.

Меҳмонлар шарафига ташкил этилган тантанали маросимда сўзга чиққан Самарқанд шаҳар ҳокими Акбар Шукуров мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар, амалга оширилаётган ис-

лоҳотлар ҳақида тўхталиб ўтди. Ўз навбатида, Флоренция провинцияси губернатори Андреа Бардуччи бу ташрифдан мамнуллигини айтиб, келгусида ҳар икки шаҳар ўртасида алоқалар янада ривож топишига ишонч билдирди.

Ташриф доирасида Самарқанд ҳамда Флоренция шаҳарлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини ўрнатиш келишуви имзоланди.

— Самарқанд ҳақида ҳам кўп эшитганман, — дейди А.Бардуччи. — Айтиш мумкинки, куни кеча гувоҳи бўлганларим эшитганларимдан минг чандон зиёд экан. Менда, айниқса, бетақор метеморий обидалар катта таассурот қолдирди. Регистоннинг ўзини бутун Шарқнинг тилсими, деб таърифлаган бўлардим. Боболарингиз қол-

дирган мана шундай маънавий-тарихий меросни авайлаб-асраш ва сақлашга бўлган эътибор ҳам мени таажжубга солди. Бундан 90-100 йил бурунги Регистон манзаралари тасвирланган суратларни кўриб, наҳотки, қадимий обидаларни асл ҳолига шунчалар мукамал ҳолатта қайтариш мумкин, деб уйланиб қолдим.

Таъкидлаб ўтиш жоиз: Самарқанд шаҳри шу кунгача дунёнинг яна 10 дан ортиқ, хусусан, Франциянинг Лион, Индонезиянинг Банда Ачех, Покистоннинг Лаҳор, Украинанинг Львов, Россиянинг Красноярск ва Самара, Бельгиянинг Льеж, Болгариянинг Пловдив, Бразилиянинг Рио-де-Жанейро, шунингдек, Хоразм вилоятининг Урганч шаҳри билан шундай дўстона алоқаларни ўрнатган.

Радиоа метеорологик прогноз дастуридан сўнг: — Азиз тингловчилар, бугунги об-ҳаво маълумотлари сизга ёққан бўлса, бу ҳақда ёзиб юборинг. Шу башоратни кейинги дастурида ҳам бажонидал тақдоран эфирга берамиз...



Гидрометеорология марказидан хабар берилишича, 31 январдан 7 февралга қадар мамлакатимизда ҳаво булутли бўлиб, ўзгариб туради. Айрим ҳудудларда ёмғир ва қор ёғиши кузатилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида ҳаво ҳарорати ҳафта давомида кундузи +4 - +13, кечкурун -1 - +5 оралиғида бўлади. 6-7 февраль кунлари ҳаво очқ ва кўёшли бўлиши кутиммоқда. Бугун ва 3 февраль кунли бироз ёмғир ёғиб ўтади.

Навоий ва Бухоро вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради. 5 февраль кунли ҳаво ҳарорати -1 гача пасайиб, бугун ва 3 февраль кунли ёмғир ёғиб ўтади. Ҳарорат кундузи уртача +4 - +14, кечкурун -1 - +10 оралиғида бўлади. 6-7 февраль кунлари ҳаво очқ ва кўёшли бўлиши кутиммоқда.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 1-4 февраль кунлари ҳаво булутли бўлиб, ёмғир ёғади. 4 февраль кунли эса кучли қор ёғиши башорат қилинмоқда. 5 февралдан ҳафта охирига қадар ҳаво очқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ва Сурдаёри вилоятларида 1 - 2 ҳамда 5 февраль кунлари ҳаво булутли бўлиб, ёғингарчилик кузатилади. Қолган кунларда эса ҳаво даярли очқ бўлади. Ҳарорат кундузи +4 - +18, кечкурун -2 - +8 даража оралиғида бўлиши кутиммоқда.

Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида ҳам 5 февраль кунли ҳаво кечкурун совуб, 0 даражага тушиб кетсада, қолган кунлари +8 даражагача иссик бўлади. 1-2 февраль кунлари ҳарорат +16 даражагача кутарилади.

Пойтахтимиз ва Тошкент вилоятларида ҳаво ўзгариб туради. Ҳафта давомида ҳарорат кундузи уртача +7 - +14, лунда +1-+9 даражани ташкил қилади. 7 февралда ҳаво очқ бўлиб, қолган кунларида булутли бўлиб туради. 31 январь ва 2 февраль кунли ёмғир, 5-6 февраль кунлари эса қор ёғиши мумкин.

Ҳодиса



ЖАРДАН 15 МИНГА ТИМСОҲ ҚОЧИБ КЕТДИ

Жанубий Африка Республикасидаги «Rakwena Crocodile Farm» тимсоҳ фермасидан 15 мингта йирик судралиб юрвучи қочиб кетди, дея хабар беради France-Press. Маълумотларга кўра, хададан ташқари кўп ёмғир ёғиши оқибатида Лимпопо дарёсининг топиши ҳақидаги оғоҳлантирувчи хабарни эшитган ферма ходимлари тимсоҳхоналар дарвозаларини очиб ташлашга мажбур бўлишган. Сел хавфи бартараф этилгандан сўнг жониворларнинг бир қисми тупилиб, фермага қайтариб олиб келинган. Аммо «қочоқ»ларнинг аксарияти ҳали ҳам озодликда. Тимсоҳларнинг маҳаллий аҳолига етказган зарари ёхуд одамларга ҳужуми ҳақида ҳозирча ҳеч қандай хабар йўқ.

Шухрат ХЎЖАЕВ
тайёрлади.

Бу — қизик

ЖОМОЛУНГМАНИНГ БЎЙИ НЕЧА ФУТ?

Дунёнинг энг баланд нуқтаси — Эверест (Жомолунгма) тоғининг баландлиги биринчи марта ўлчанганида унга салкам уч фут (1 фут 0,3048 метрга тенг) «қўшиб юборилган» экан. Маълум бўлишича, 1856 йилда ўлчаш ишларини олиб борган олимлар тоғнинг баландлиги инглиз ўлчов тизимига мувофиқ роппа-роса 29 000 футни ташкил этишини билганларидан сўнг, ана шу кўрсаткич одамларда шубҳа уйғотмаслиги учун унинг «буй-баста»-ни расман 29 029 фут (8848,13 метр) деб эълон қилишган.

РЕКЛАМА

МИКРОКРЕДИТЛАР

↓ ҚУЛАЙ ↓ ДАРОМАДЛИ ↓ ХАҚИҚАТ

120-00-09

BANK IPAQ YO'LI
хизматлар лицензияланган

